



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

PEDIATR

№ 5-6 (901-902)
18-Mart, Chorshanba
2020-yil

TOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА

Gazeta 1974-yil
martdan chiqqa
boshlagan

ОНАЛАРИМИЗ ОЁҒИ ОСТИДА ЖАННАТ!

Б.Т.Даминов
ТошПТИ ректори,
Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгаши
депутати

Эрта тонгининг порлоқ қуёшини “Ассалом”,-дея тинчлик кошо-насида қарши олар эканмиз, ҳар бир янги кун учун шукроналик ҳиссини туямиз. Бу кунларнинг ҳар лаҳзаси учун азиз оналаримизнинг сермашаққат меҳнатлари сингган. Фарзанд учун она – меҳр ва муҳаббатини беради. Она – анъана ва урф-одатларни ўзининг “Алла”си билан сингдириб боради. Дарҳақиқат, ҳар бир вужудда она алласи билан илдиз отган Ватанга муҳаббат туйғуси – ёш авлод қалбида Ватан келажагига дахлдорлик ҳиссини уйғотади.

Тарихимизда яшаб ўтган буюк сиймоларнинг ҳаёт йўлига назар соладиган бўлсак, уларнинг бажарган амалларида оналарининг роли юқори эканлигига гувоҳ бўламиз.

Она! Ҳар бир қалбнинг талпинувчи ягона муҳаббати!..

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Она деган ном” шеърисида она номи учун шундай таъриф берилади:

*“Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.*

*Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном!”*,
– дарҳақиқат, она деган ном яго-

на, аммо оналардаги меҳр ва муҳаббат чек-чегарасиздир!

Асрларнинг ҳақиқати ҳам шуни маълум қиладик, онаси ёнида камарбаста бўлган шохларда адолат туйғуси устун турган. Негаки, она ўзга халқ фарзандини ҳам ўзининг фарзанди каби қадрлайди. Оналаримизнинг қалбида туганмас меҳрнинг уммони бор.

Минг йиллик аср чиғиригида чархланган: “Она бир қўли билан бешикни ва бир қўли билан оламини тебрата”,- деган донишманд халқимизнинг нақллари ҳам ўзининг моҳияти билан яшаб келмоқда. Зеро, аёлнинг қирқ жони бор экан, унинг фарзанд учун муҳаббати ҳам шунчалик куч-қудратга қодир. Бежиз Ватанга қиёс қилиб Она сўзини келтирмаймиз – Она Ватан дея битилган шеърларда ҳам Она ва Ватаннинг буюклигини тенглаштиради.

Давлатимиз раҳбари Муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида айтиб ўтганларидек: “Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит, аввало, меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлишини истайди, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлашга тайёр туради”. Дарҳақиқат, аёл-қизлар саодати – соғлом келажак далолатидир.

Оила устун, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

Мамлакатмизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш мақсадида тиббиёт соҳасини, хусусан, шошилинич тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни амалда янада кенг татбиқ қилиш учун, албатта, тиббиёт соҳасидан етишиб чиқаётган олий маълумотли кадрларнинг меҳнатига таянилади. Негаки, ҳар бир шифокор халқ соғлиғи учун жон куйдиради. Бизнинг олий таълим муассасамиздан ҳам Ватанга муносиб кадрлар етишиб чиқишига ишонч билдираемиз.

Фурсатдан фойдаланган ҳолда, юртимиздаги барча хотин-қизларни ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг мухтарама аёл ўқитувчи ва ходималарини ҳамда барча талаба қизларимизни 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Юзингиздан табассум ари-масин, азиз аёллар!

Жаннат оёғи остида бўлган оналаримиз ҳамиша омон бўлсинлар!

КЎНГЛИМДА БАҲОР



“Салқин сахарларда, бодом гулида, бинафша лабида, ерларда баҳор...”, – бу сатрлар ҳар биримизнинг баҳор соғинчимизга аталган бир таскиндек гўё. Таниш сатрлар муаллифи Зулфияхоним барча аёллар учун бир садоқат машъалига айланган. Дарҳақиқат, баҳорни Зулфия таваллуди билан қарши олар эканмиз, кўнглимизга унинг шеърлари оҳанги билан баҳор кириб келади.

Таниқли ўзбек шоираси Зулфия Исроилова 1915 йил 1-мартда Тошкентда Исроил ота темирчи оиласида туғилган. Деярли бутун умри давомида журналистика ва нашриёт соҳаси билан ҳамнафас ўтказган Зулфияхоним ижоди ҳамон нафаси уйғоқ сатрлари билан нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари қалбидан жой олиб улгурган.

Машҳур шоир Ҳамид Олимжоннинг турмуш ўртоғи бўлган Зулфия Исроилова – халқаро “Нилуфар” мукофоти ҳамда Жавохарлал Неру номидаги Давлат мукофоти соҳибасидир. Ўзбек аёлининг бу каби шижоат ва иродаси маҳсули бўлган шеърлари умумжаҳон халқлари адабиётида ўз ўрнига эга.

Зулфияхоним ижоди билан ҳамнафас халқлар – инглиз, немис, рус, болгар, хитой, ҳинд, япон, араб, форс, вьетнам каби халқлари тилларига таржима қилиниб, ўзининг ўқувчиларига ҳам эгадир. Шоира фикрича: “Шеърлар мингларча кишилар ўз қалби ва дили билан ҳис этиб, ўзиники қилиб олгандагина поэзияга айланади”. Дарҳақиқат, ўз ўқувчисига эга бўлган ижод маҳсулигина ҳақиқий маънодаги шеърят олампидан жой олади.

Жойларда Зулфияхоним таваллудига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, олий таълим муассасамизнинг 1-Талабалар турар жойида Президентимиз илгари сурган 5 муҳим ташаббус доирасида ҳамда сеvimли шоирамиз Зулфияхоним таваллудининг 105

йиллиги муносабати билан “Кўнглимда баҳор” номли адабий-бадиий кеча ташкил қилинди.

Ушбу тадбир Зулфияхоним ва сеvикли турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон ҳаётидан лавҳалар билан келтирилган сахна кўринишлари барча тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

Тадбир давомида ТТЖ театр жамоаси йигитлари томонидан ташкил қилинган сахна кўринишлари ва кўшиқ ижролари янада баҳорий кайфият улашишди. Тадбир сўнггида Фармакология ва физиология кафедраси ассистенти, 1-ТТЖ тарбиячи педагоги М.Акбарова ҳамда бир гуруҳ фаол қизлар раҳбарияти томонидан тақдирланишди.

Ўзбек халқининг атоқли шоири Ҳамид Олимжон ҳамда ўзбек шеърятининг маликаси Зулфияхоним ижоди халқимизнинг маданиятини ва адабиётимизнинг хазинасини бойитишда ўзларининг бекиёс ҳиссаларини кўшишди. Уларнинг ижодий мероси нафақат Ўзбекистонда, балки қардош давлатларда ҳам ўз муштарийларини топган. Халқимиз тарихида инсоният камолоти ва миллатнинг ғурури йўлидаги хизматлари учун халқ қалбидан жой олаётган истеъдод соҳиблари кўпчиликини ташкил қилади, аммо ҳақиқий маёқ сифатида ёшларнинг таълим ва тарбияси йўлида ижодий меросининг аҳамияти салмоғи юқори бўлган том маънодаги ижодкорларимиз саноғи кам. Негаки, бугунги кун китобхони нозик дид соҳибларига айланиб бормоқда. Ёшлар ўртасидаги китобхонликни ошириш ва оммавий тарзда китобхонликка ўтиш учун ижодкорнинг меҳнати катта. Қачонки ижодкор ҳақиқий асар яратган олсагина, у ўзи учун адабий оламдан ўрин топа олган бўлади. Гарчи меҳнатнинг самараси ҳеч замонда бесамар қолмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Муҳтарам Шавкат Мирзиёев бу икки бахт куйчисига қарата: “Ҳамид Олимжоннинг Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия билан бирга кечган аҳил ҳаёти, бу икки улкан ижодкорнинг бир-бирига бўлган сеvги ва садоқати бугунги кунда ҳам ёшларимиз учун ҳар жиҳатдан ибратдир”, -дея эътироф этган эдилар. Дарҳақиқат, бу икки қалбнинг муҳаббати ҳати ва фолияти ёш авлодлар учун ибрат маёғидир.

О. Жумаев

Аллергология, клиник иммунология, микробиология кафедраси ассистенти, 1-ТТЖ тарбиячи-педагоги



НАФОСАТ СИЗДАДИР, МЎТАБАР ҚИЗЛАР!



“Қиз бор уйнинг фариштаси бор”,- дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ҳар бир хонадоннинг ободлиги қизларимизнинг саранжом-сарийшталиги билан баҳоланади. Чунки Момо Ҳаводан мерос бўлган ифпат – ўзбек қизларининг одобига мерос ҳисобланади.

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қанча ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бугун аёлларимиз жамиятда ўзларининг ўрнига эга бўлган шахс сифатида шаклланаёпти, десак адашмаймиз.

Жойларда 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Жумладан, куни кеча олий таълим муассасамизда ҳам “Қизлар давраси” номли қизлар беллашуви ўтказилди.

Тадбир аввалида Тошкент тиббиёт академияси кафедраси доценти, “Олима аёллар” уюшмаси раисаси Лола Абдурахимова ўзининг самимий табриги билан сўз бошлаб бердилар: “Азалдан қизларимиз баҳорга қиёсланади. Фақат баҳоргина ўзбек қизларида бор гў-



залликни такрорлайди”. Дарҳақиқат, ифпати ўзидан гўзал қизларимиз учун ҳакамлар ҳайъати томонидан турли босқичдаги шартлар белгилаб берилди. Танлов таништирув шarti билан бошланди. Кейинги шартда – ўзбек ва жаҳон адабиётидан савол-жавоб босқичи бўлиб ўтди. Навбатдаги шарт эса – талаба қизларнинг пазандалик маҳоратларини аниқлашга бағишланган “Баҳорий салат тайёрлаш” номли босқичда белгиланди. Сўнги босқичда эркин мавзу асосида талаба қизлар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, рақс ва кўшиқлари билан тадбир қатнашчиларга манзур бўлишди.

Тадбир давомида актриса Лола Элтоева сўзга чиқиб, бундай тадбирлар қизларимизнинг ҳар томонлама баркамол, миллий урф-анъаналаримиздан боҳабар вояга етишларида катта аҳамиятга эга эканлиги, қизларимизнинг шарқона одоби, ибo-ҳаёси, момолар удумларидан хабардорликлари уларнинг келгусида яхши турмуш ўртоғи, оила бекаси, она бўлиб вояга етишлари, улар қуражак оила жамиятимизнинг мустаҳкам пойдеворига муносиб ҳисса қўшишидан даракдир, деб ўзининг энг севимли мисраларини ўқиб берди.

Кўрик-танловда 1-Педиатрия иши, 2-Педиатрия иши ва Тиббий биология, Даволаш иши, Олий ҳамширалик иши факультетлари талаба қизлари иштирок этди. Институтнинг “Қизлар давраси” танлови 1 ўрнига Олий ҳамширалик иши факультети талабаси сазовор бўлди ва танловнинг Республика босқичида иштирок этишга муносиб деб топилди.

Талаба қизларнинг турли босқичдаги чиқишлари тадбиримизда иштирок этган – Ўзбек Миллий драма театри актрисаси Шахло Темирова, ТПТИ Ўзбек, лотин ва рус тиллар кафедраси ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Мафтуна Нодирова ҳамда ТПТИ хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилноза Уста-Азизоваларга манзур бўлди.

Оламда аёлнинг саодати бор экан, келажак авлодимиз ҳамisha баркамол бўлиб етишади. Зеро, аёл – бир қўлида бешик ва яна бирида оламни тебратувчи мўтабар зотдир!

М. Ахмедова

ТошПТИ Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори

ЯША ТАЛАБА!

“Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни”,- дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, билим ҳақиқий маънодаги асрларни қарита оладиган ва инсон номини абадийликка муҳрлашга қодир бўлган ягона кучдир.

Куни кеча Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг иқтидорли талаба ёшлари ҳам яна бир бор ўзларининг талантларини кўрсатишга муваффақ бўлишди. Ҳар бир талаба ёшнинг келажак учун муҳим бўлган асосий тамойили – унинг эгаллаган билим ва кўникмасига таянилади. Негаки, келажакка муносиб ёшларни тарбиялаш билимга бўлган эътибор билан боғлиқдир.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти талаба ёшлари ҳамда Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юрглари иқтидорли талабалари ассоциациясининг (UzMSA Phenomenon) аъзолари Руандада бўлиб ўтаётган Халқаро Тиббиёт уюшмалари федерациясининг Бош ассемблеясида иштирок этишди.

Доно халқимизнинг ҳикматларидан аёнки, билими зўр ёшларимиз келажак порлоқдир. Демак, институтимиз талаба ёшларига ташаккурлар айтиб, яша талаба, деймиз. Зеро, сизлар билан келажакимиз мустаҳкам бўлади.

Роҳилабону ҒЎҶЧИЕВА

ИНТЕРНЕТНИНГ ФЙДАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Бутунжаҳон алоқа воситасига айланиб улгурган интернет тармоқлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг менталитетига қандай таъсир кўрсатмоқда? Бугунги глобаллашув замонидаги интернетнинг аҳамияти ва акс таъсири ёш авлодни қанчалик қамраб олмоқда? Интернетнинг бугунги замон талаблари асосидаги билим ва кўникмалардаги ўрни ҳамда салбий оқибатлари ҳақида “Юзма-юз” лойиҳаси иштирокчиларининг фикрлари билан ўртоқлашдик.

АХБОРОТ ОЛИШ ТАРМОҒИ

Интернет – дунё бўйлаб жойлашган ва ягона тармоққа бирлаштирилган минглаб компьютер тармоқларининг мажмуидир. Интернетда ахборот алмашиш стандарт қоидалари асосида амалга оширилади. Бугунги кунда интернет бизнинг ҳаётимизда катта ўрин эгалламоқда. Ўйлайманки, интернетдан фойдаланишнинг камчиликларидан афзалликлари кўпроқ. Биринчидан, интернет жуда кўп маълумотларни олишга ёрдам беради. Улардан баъзилари бизнинг ишимиз ёки ўқишимизда жуда фойдали, ҳаттоки интернет орқали харидлар қилишимиз мумкин. Агар бирон-бир буюмга эҳтиёж сезсак, уларни интернет дўконлари орқали тезкор тарзда харид қилиш мумкин.

Шу ўринда, интернетнинг афзалликларидан ташқари бир қанча ножўя таъсирлари ҳам бор. Энг аввало, компьютер ёнида кўп ўтириш умуртка поғонаси учун зарарли ҳисобланади. Бундан ташқари, инсон кўз нурини компьютердан таралаётган нурлар сусайтириши ҳам аниқланган.

Интернетдан қай мақсадда фойдаланиш бу – ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Аввало, инсон саломатлигига зарар етмаган ҳолда интернетдан фойдаланиш лозим. Зеро, ҳар қандай қулайликларга эга бўлган омиллар фақатгина инсон манфаатлари учун хизмат қилиши даркор.

Шаҳло Артикова

ИНТЕРНЕТ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА...

Бугунги глобаллашув асри - XXI асрда ҳар қандай янгиликнинг бош манбааси интернет ҳисобланади. Бугунги кунда ҳар бир инсон бу имкониятдан фойдалана олади. Мени қийнаган масала – интернетнинг қанча фойдали томони кўп бўлмасин, бир қатор зарарлари ҳам бор. Масалан, интернет – ҳар қандай маълумотларни тарқатишда тезкор ва осон бўлган тармоқ, агар маълумот нотўғри бўлса, бу ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятига акс таъсир кўрсатиши мум-

кин. Қолаверса, бугунги ёшлар фойдали ва зарур иш қилиш ўрнига кўпгина қимматли вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказадилар.

Менинг ҳаётимда ҳам интернетнинг роли катта. Негаки, дунё янгиликлари ва дарсларга доир бўлган маълумотлардан фойдаланишга деярли ҳар куни эҳтиёж сезаман. Баъзан эса шу қадар интернет маълумотларига қизиқиб кетганимдан анча қимматли вақтимни бой бериб қўйганимни ҳам сезмай қоламан. Демак, ҳар бир инсон, аввало, ўз мақсадини илгари сурган ҳолда ижтимоий тармоқлардан эзгу мақсадда фойдаланиши лозим деб ўйлайман.

Фикримча, энг муҳими, интернет инсонларни бирлаштиради. Бутун дунё аҳли ва миллат аҳлидан интернет орқали дўстлар ортиришингиз мумкин. Бу глобал муаммонинг ечими ёки инновацияларнинг тарқалишидан қатъи назар барча инсон эҳтиёжларини қондириш учун, албатта, интернетнинг аҳамияти юқори саналади. Энг асосийси, интернетдан олинган ҳар бир маълумотни тўғри таҳлил қила олишдир.

Нигина Икромова

ИНТЕРНЕТ – НИМА?

Ҳозирги даврда интернет тармоғига уланган компьютер, мобил телефонлар деярли барча хонадонларда мавжуд. Бундан ташқари кўплаб болалар интернет кафелари орқали бу тармоқдан фойдалана оладилар. Бугунги кунда ахборот технологиялари жадал тараққий этиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида жорий этилиши сабабли инсоният учун компьютер саводхонлиги долзарб масалага айланиб бормоқда.

Замонавий болалар компьютер ўйинлари олами ҳамда ижтимоий тармоқлар кенгайиб бораётган даврда ўсиб-улғаймоқда. Ҳали ёш бўлган бола виртуал оламга муккасидан кетиб қолмаслиги учун устоз ва катталар ўғитлари билан уларга интернетдан фойдаланиш маданияти ўргатиб борилиши ло-

зим. Баъзан ёш бола катталар томонидан назоратсиз тармоққа ташриф буюриш имконига эга бўлиб қолади. Унинг психологиясига акс таъсир қилувчи турли маълумотларга дуч келади. Табиийки, инсон боласи қизиқувчан бўлиб, беихтиёр ҳам бу каби манбааларга кириб кўрмаслигига ҳеч биримиз қафолат бера олмаймиз. Педагогикадан маълумки, болага нимани инкор қилсангиз унинг, албатта, ўша нарсага бўлган қизиқиши ортиб боради.

Интернет – замон билан ҳамнафас бўлган билимдон ёшларимизнинг дунёқарабини ўсиб боришига хизмат қилиши билан бир қаторда бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини ҳам инкор эта олмаймиз. Зеро, тарбия, у қайси соҳада бўлмасин, биз учун келажакнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Хуснора Қурбонова

ИНТЕРНЕТ БУГУНГИ КУНДА

Интернет – бу сўзни эшитишимиз билан кўз ўнгимизда Ер шари ва ундан ҳар тарафга чизилган қора чизиклар жонланади. Негаки, интернет тармоқлари 20-30 йил ичида бутун дунёни бирлаштирувчи алоқа воситасига айланиб улгурди.

Ҳозирги кунга келиб интернет шундай кудратли кучга айландики, ҳар бир давлатнинг ривожланиши учун муҳим роль ўйнамоқда. Негаки, бир сония ижтимоий тармоқ маълумотларидан ортда қолган биргина давлат ривожланиш йўлидан ортда қолиши мумкин. Демак, ҳар бир шахс ва давлатнинг ривожидан интернетнинг аҳамияти катта ҳисобланади.

Интернет бутун бошли инсон цивилизациясига ўзининг катта таъсирини кўрсатиб улгурди. Биргина мисол тариқасида интернетнинг кичик имкониятига назар солсак: бир инсон Испанияга иш юзасидан шошилишч жўнаб кетиши лозим, аммо вақти кам. Ақлли инсон бу вақтда бирон бир сайтдан фойдаланиб, йўл чипталарини харид қилади. Интернетдан беҳабар инсон эса, албатта, бугунги рейсдан навбат кутиш эвазига кеч қолиши тайин. Бу каби оддийгина мисол билан инсон вақтини тежаш учун интернетнинг ролини кўрдик. Бундан ташқари, интернет қулайликларининг инсонни ортиқча сарф-харажат, жисмоний ва руҳий толиқишлардан озод қилишининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Ижтимоий тармоқ маданиятига эга инсон вақт ва маблағ сарф қилиб китоб харид қилиб юришига ҳам ҳожат қолмайди. Интернет ўз ўрнида глобал

ўзгаришларни янада тезлаштириб, инсониятнинг очилмаган қирраларини очиб беради.

Қайси маълумотдан нима мақсадда фойдаланиш эса инсоннинг ўз маънавиятига боғлиқдир.

Нилуфар Бекбулатова

ИНТЕРНЕНИНГ САМАРАСИ

Ҳозирги кунда интернет биз учун яхши самарали восита деб ўйлайман. Лекин бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатимизда интернет тармоқлари инсонларга кўплаб имкониятлар, қулайликлар яратиб бериш билан бир қаторда жамиятимиз ёшларининг ғоявий, ахлоқий меъёрларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айни даврда интернет тармоқлари ёшлар ҳаётини издан чиқариб юборишга қодир кучли қуролга айланиб улгурди. Бу тармоқлар ёшлар орасида қанчалик кўп ўз ўрнига эга бўлган сари уларнинг хавфи ҳам икки баробар ошмоқда. Ёш авлоднинг деярли 60-70% и глобал тармоқнинг асирига айланиб қолган десак адашмаймиз. Улар шу даражада интернетга боғланишдики, ҳатто тонгни у билан қаршилаб, кунни у билан кузатаётганларни ҳам сезмай қолишди. Интернет тармоқлари ёшларнинг дунёқарабини, фикрини ўзгартириб юборди. Бу оламга фарқ бўлган ёшларнинг деярли кўпчилигида инсонийлик, меҳр-оқибат туйғулари, муомала маданияти камайиб бормоқда. Масалан, жамоат транспортда телефонидан кўзини узмай келаётган бола у ердаги ахлоқ қоидаларини ҳам унутиб қўймоқда, яқинларига, ота-онасига ҳам интернетга ажратганчалик кўп вақт ажратмай қўяётганини ўзи ҳам сезмай қолмоқда.

Шундай экан, интернет асирига айланмасдан, унинг гирдобларида умримизни зое кетказмасдан, ундан ўзимизни ҳимоя қилишимиз лозим. Ҳар бир иродаси мустаҳкам ёш авлод вакили ўзининг қимматбаҳо вақти қадрини англайди ва уни кимга ва нимага сарфлашини жуда яхши таҳлил қила эса. Уларда интернетнинг турли хуржларига қарши курашиш иммунитетни мавжуд бўлади. Бу билан ижтимоий тармоқлардан умуман фойдаланмаслик эмас, балки ундан меъёр билан фойдаланиш керак дегани. Зеро бизга берилган умрни самарали сарфлаш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда.

Интернетни яхши ва фойдали ахборот олиш учун ишлатсак, биз учун яхши самара беради деб ўйлайман.

Мафтуна Фаизуллаева

ТИББИЁТДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ – ДАВР ТАЛАБИ

“Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни”, - деган ҳикмат аслида бугуннинг “кун ҳикмати”га айланиб улгурди. Негаки, инновацион таълим тизимидаги жадал ривожланиш Жаҳон таълим стандартларига мос тарзда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кечаги куннинг шукуҳи билан пойдевори мустаҳкам келажакни куриб бўлмайди. Ҳар лаҳзада бир янгилик кашф эта билиш – бугуннинг кун талабидир.

Асрлар давомида миллатимизда шаклланиб келган таълим ва тарбия жараёни ўзига хос қирраларга эга бўлган бир пайтда, давр талабига мос равишда такомиллаштишни талаб этмоқда. Ахборот технологиялари даврида яшар эканмиз, сония сайин ахборот олами ҳар қандай ўзгаришга мослаша оладиган ва, керак булса, аксинча ўзгартира оладиган кадрларни талаб этади. Бу борада юртимизда кўплаб ислохотлар ўз тасдиғини топди.

Жумладан, биргина мисол тариқасида Андижонда 2019 йил 6 декабрда тиббий конференция доирасида симуляцион кўникмалар бўйича фан олимпиадаси ташкил этилди. Унда Қирғизистон Давлат тиббиёт академияси, Қозоғистон Давлат тиббиёт академияси, Қозоғистон-Россия Тиббиёт университети, Ўш Давлат университети, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, Андижон Давлат тиббиёт институти жамоалари иштирок этишди. Мазкур олимпиадада жамоалар 4 та йўналиш бўйича, яъни жарроҳлик, анестезиология ва реаниматология бўйича амалий машғулотлар, интубация ва клиник ўлим ҳолатида ўпка-юрак реанимацияси, педиатрия бўйича турли назарий саволлар ва амалий машғулотлар, турли хил шошилиш ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш каби берилган топшириқ, савол, вазифаларга тўғри, аниқ, раво, оператив жавоб бериш, амалий машғулотларни тез ва тўғри бажариш каби кўникмалардан иборат эди. Босқичма-босқич олиб борилган саралаш жараёнида сифатли хизмат кўрсатиб, юқори балл тўплаган, «Патологик физиология, анатомия» кафедраси катта ўқитувчиси Г.Примова раҳбарлигида 7 нафардан иборат бўлган талабалардан ташкил топган

«Medicus» номли жамоамиз – “Энг яхши педиатрлар” номинациясига муносиб кўрилди.

Энг асосийси, юртимизда ташкил қилинаётган бу каби кўплаб фан олимпиадалари нафақат давлатимизнинг, балки кўшни ва жаҳон халқларининг ёшларини қамраб олиб, уларнинг билим ва кўникмаларини баҳолашда ҳамда ўзаро дўстона муносабатлар олиб боришда хизмат қилади. Биргина мисол тариқасида – Қозоғистон Давлат тиббиёт академияси талабалари ўз чиқишларида реанимация жараёнидаги кўрсатган жамоавий ҳаракатлари ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимизга туртки бўлди, Қирғизистон Давлат тиббиёт академияси талабалари ҳам ҳар томонлама фаол иштирок этиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзларини маҳоратларини муносиб намойиш этдилар. Ўш Давлат университетининг халқаро факультетида таҳсил олаётган ҳиндистонлик талабаларнинг чиқишлари барчага бирдек манзур бўлди. Шу ўринда Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг “Medicus” жамоаси Педиатрия йўналиши бўйича берилган топшириқларга ва саволларга талаб даражасида жавоблари ва амалий кўникмалари билан ажралиб турди.

Бўлиб ўтган фан олимпиадасидан олган хулосаларни институтимиз талабалари билан ўртоқлашар эканмиз, аввало, аҳилликнинг самараси юқори эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Юртимизда турли соҳаларга доир халқаро олимпиадалар ва конференцияларнинг ташкил этилиши жаҳон таълим тизими билан танишиш имкониятини беради. Бевосита таълим тизимидаги инновацион ёндашув – бугунги давр талабидир.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев биз ёшларга қарата: “Бугунги кун ёшлари – эртамиз эгаларидир!”, - дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, биз ёшларга билдирилаётган юксак эътиборга муносиб бўлган ҳолда келажакда жаҳон ёшлари билан тик беллаша оладиган муносиб кадр бўлиш – асосий мақсадимиз. Зеро, Ватан тақдири бир ёшларнинг салоҳияти билан боғлиқдир.

Шавкат АБДУСАТТАРОВ
Педиатрия факультети талабаси

КЕЛАЖАККА БАРКАМОЛ ЁШЛАР КЕРАК

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида долзарб мавзу ҳисобланган ёш авлод тарбияси ҳақида Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларга қарата: “Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит ва кизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эга”, -дея таъкидлаган сўзлари ҳар бир ёш авлод учун муҳим.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси баркамол авлод учундир. Бу борада жойларда турли тадбир ва эшиттириш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, куни кеча олийгоҳимизда “Гиёҳвандликка қарши кураш” номли тадбир бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси томонидан “Гиёҳвандликка қарши кураш” мавзусида тайёрланган видеофильм талабаларга намойиш этилди.

Тадбир аввалида Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚБ бўлинма бошлиғи полковник Ю.Дженгазиев сўзга чиқиб, ўз маърузасида мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликни олдини олиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва ҳуқуқий онгни юксалтириш сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги, мамлакатимизда кейинги йилларда ҳуқуқбузарликни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилганлигини таъкидлаб ўтди. Сўнгги пайтларда ёшлар ўртасида синтетик наркотиклар ва дориларни истемол қилиш ҳолатлари барчани ташвишга солаётганлиги сир эмас йиғимида ёшлар бу дорилар таъсирига тушиб қолмасликлари ҳақида тушунтирилди. Қолаверса, гиёҳванд воситалари нафақат инсон саломатлигига ҳавф солиши, балки унинг таъсирида жирканч жиноятлар қилишига олиб келишини таъкидлаб ўтилди.

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги уч йилда Мухтарам Президентимиз томонидан ёшларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йил қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш тўғрисидаги” фармонларига асосан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Шу муносабат билан 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Уларга Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги ва муҳим вазифалар юкланди. Ҳокимларнинг ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари киритилди. Шунингдек, 2019 йил



27 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан видеоконференция орқали Республикаимиз ёшлари билан учрашиб: “Ҳамма ишларимиз, ислохотларимиз Ўзбекистоннинг эртанги куни учун, келажакимиз замини эса – Сиз ёшлардир, Сизларни билимли, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етиштириш учун ҳамма шароитлар яратиб берамиз”, -деб таъкидладилар. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус жорий этилиб, Ички ишлар бош бошқармаси ва туманлардаги бошқармалар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мухтарам Президентимиз ташаббуси асосида пойтахтда амалга оширилган ишлар натижасида 2019 йилда 14 ёшдан 18 ёшгача вояга етмаганлар жиноятчилиги 10%га (71/64), 18-30 ёшгача ёшлар жиноятчилиги 22%га (1551/1213), аёллар жиноятчилиги 19%га (441/359) камайишига эришилди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ бошлиғининг ёшлар масалари бўйича ўринбосари, подполковник С.Жўраев, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Омина” жомеъ масжиди имом хатиби Х.Усмонов, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ бошлиғининг биринчи ўринбосари подполковник Т.Зупаровлар сўзга чиқиб, келажакка ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлод кераклиги ҳақида талаба ёшларимизга мурожаат қилишди.

Ватан умиди сиз – ўсиб келаётган ёш авлодлар экансиз, бўш вақтингизни халқимизга хос тарзда илм-хунар ва фойдали амалларга бағишлаб, Ватан келажак учун дахлдорлик ҳисси билан яшашингиз бу – баркамолликнинг натижасидир. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Зеро, Ватан тақдири ёшлар қўлида.

А.Худайбердиев
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

COVID-19 КОРОНАВИРУСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИБ КЕЛДИ

Бутун дунё ҳаловатини ўғирлаган COVID-19 короновируси минг афеуслар бўлсинки, мамлакатимиз сарҳадларига ҳам кириб келди. Бу вирус илк бор 2019 йилнинг охирида Хитойнинг Ухан шаҳрида аниқланган эди.

2020 йил 15 март куни Бош вазир Абдулла Арипов бошчилигида ОАВ вакиллари ва блогерлар учун брифинг ташкил этилди. Унда Ўзбекистонда короновирус кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида оммавий тадбирларни бекор қилиш, таълим ва мактабгача таълим муассасаларини ёпилиши маълум қилинди. Шу жумладан, куйидаги чора тадбирлар ҳам назарда тутилган.

– 16 мартдан барча таълим ва нодавлат таълим муассасаларида (боғча, мактаб ва университетлар) баҳорги таътил эълон қилинди.

– 16 мартдан Ўзбекистоннинг чет эл давлатлари билан авиа ва автомобиль қатновлари тўхтатилади. Ўзбекистон фуқароларининг чет давлатларга чиқиши, чет давлат фуқароларининг Ўзбекистонга кириши тақиқланади. Чет давлатлардаги ўзбекистонликларнинг қайтишига шарт-шароит яратилади.

– Ҳукумат барча диний идораларга диний маросимларни ўтказишни вақтинча чеклаш бўйича мурожаат қилади.

– Ҳукумат карантин вақтида нарх-навони асоссида ошириш ҳолатларига қарши кескин чоралар кўради. Бунга Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда Давлат солиқ қўмитаси жалб қилинади. Озиқ-овқат ва бошқа захиралар етарли даражада ғамланган.

– Тошкентдан вилоятларга қайтадиган талабаларга давлат транспортлари, темир йўллари ва самолётларда 50 фоиз чегирма берилади.

– Барча давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан мажлислар ҳамда бошқа йиғилишлар ўтказиш вақтинчалик тўхтадилади.

– Коронавирус пандемияси ҳақида нотўғри, асосланмаган, турли ваҳималарга сабаб бўлувчи хабарларни тарқатган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

– Коронавирус вақтида фуқаролар саволларига жавоб бериш учун (эртадан) ягона колл-марказ ташкил қилинади.

Брифингда Президент Фармойиши билан Коронавирусга қарши кураш камиссияси тузилганлиги, захиралар етарлилиги, ваҳимага ўрин йўқлиги, вазият назоратдалиги айтиб ўтилди.

Шу кун Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов “Ўзбекистон 24” телеканали орқали короновирус масаласида маълумот берди.

У баҳор мавсумида турли вируслар қўзғалишини, айнан короновируснинг эса алоҳида белгиларини аниқлаш қийин эканлигини айтди. Шу сабабли одамлар биринчи навбатда тана ҳарорати кўтарилганда ва

куруқ йўтал пайдо бўлганда тезда шифокорга мурожаат қилиши лозимлигини таъкидлади. “Ваҳима – бу стресс, стресс эса иммунитетни туширади ва касаллик юқишига шароит яратади, – деди вазир фуқароларга мурожаат қилиб. – Аввало, иммунитетни сақлашимиз ва кўтаришимиз керак. Кўпроқ кўкатлар ва мевалар истеъмол қилишимиз лозим. Овқатланиш рационига фақат иммунитетни кўтарувчи маҳсулотларни киритайлик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда короновируслар билан касалланганлар ичида 19 ёшгача бўлганлар жуда кам. 19 ёшгача бўлганларнинг ўлим ҳолати умуман қайд этлмаган. Шу сабабли иммунитетни паст кексаларимизни асрашимиз, одамлар кўп йиғиладиган тадбирлардан уларни ҳам, ўзимизни ҳам чеклашимиз зарур”.

Касалликдан сақланиш учун куйидаги тавсияларга амал қилинг:

– Аввало, чет элга боришни режалаштиришда дунёдаги эпидемик вазият бўйича тўлиқ маълумотлардан хабардор бўлинг!

– Зарурат бўлмаган тақдирда оммавий тадбирларда иштирок этишдан имкон қадар чекланинг!

– Қўлларни тез-тез, яхшилаб совун билан ювинг ва спиртли дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланинг!

– Фарзандларингизнинг қўл ювишини доимий назоратга олинг!

– Юз-кўзингизни нотоза қўл билан ушламанг!

– Уй хайвонларини боқишда, асрашда гигиена қоидаларига қатъий ийора қилинг!

– Одамлар олдига йўталганингизда ёки аксирганингизда оғзингиз ва бурнингизни дастрўмол, салфетка ёки букилган тирсагингиз билан тўсинг!

– Шамоллаш ёки грипп аломатлари бор одамлар билан яқин, юзма-юз мулоқат қилишдан чекланинг!

– Овқатланишда яхшилаб пиширилган, асосан, қайнатилган ва қовурилган таомлардан истемол қилинг, истемол қилинаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг яхшилаб пишганлигига ишонч ҳосил қилинг!


– Иситма, йўтал ва нафас қисиши ҳолатлари пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат қилинг!

– Энг асосийси шахсий гигиена қоидаларига қатъий ийора қилинг!

Агарда сизда COVID-19 короновирус инфекцияси ва у билан боғлиқ вазият юзасидан қўшимча савол туғилса 1003 рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин. Ўзимиз ва яқинларимизни асраш учун карантин қоидаларига амал қилган ҳолда зарурат бўлмаса кўчага чиқмасдан ўйда ўтирайлик.

И.А. Қосимов.

Эпидемиология, юқумли касалликлар кафедраси мудири.

 <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА</p>	<p>Тахрир кенгаши: Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Ҳайдаров, М. Аҳмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, Д.Т. Ашурова А. Валиев, А.А. Қудайбеганов, С.С. Гулямов, Г. Усманова Нашр учун масъул: Р. Ғўҷичева</p>	<p>Бош муҳаррир: Б.Т. ДАМИНОВ Тахрир хайъати: (<i>шичи гуруҳ</i>) Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош муҳаррир ўринбосари), А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган. Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223 Chopron nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида chop этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха. Газета институт ҳисобидан нашр этилади ва bepul тарқатилади.</p>
---	---	---	---